

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017. Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БАБАДЖАНОВА УМИДА БАҲОДИРОВА

**«САЁД ВА ҲАМРО» ДОСТОНИНИНГ ТУРКИЙ ВЕРСИЯ
ВА ВАРИАНТЛАРИ
(Ўрта Осиё, турк ва озарбайжон версиялари)**

10.00.08 - Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии
(PhD) по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy
(PhD) on philological sciences**

Бабаджанова Умида Баходировна

«Саёд ва Ҳамро» достонининг туркий версия ва вариантлари
(Ўрта Осиё, турк ва озарбайжон версиялари)..... 5

Бабаджанова Умида Баходировна

Тюркские версии и варианты поэмы “Саёд и Ҳамра”
(Среднеазиатское, турецкое и азербайжанские версии)..... 25

Бабаджанова Умида Баходировна

Turkic versions and variants of the poem “Sayed and Hamra”
(Middle Asian, Turkish and Azerbaijan versions)..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017. Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БАБАДЖАНОВА УМИДА БАҲОДИРОВА

**«САЁД ВА ҲАМРО» ДОСТОНИНИНГ ТУРКИЙ ВЕРСИЯ
ВА ВАРИАНТЛАРИ
(Ўрта Осиё, турк ва озарбайжон версиялари)**

10.00.08 - Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Fil94 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tai.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рўзимбоев Сафарбой
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Эшонқулов Жаббор Солиевич
филология фанлари доктори

Худойқулова Латифа Авазовна
филология фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

**Тошкент давлат санъат ва
маданият институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017. Fil.46.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел.: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-44; e-mail: uzlit@uzsci.net).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (Манзил: 700100, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-уй. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги -рақамли реестр баённомаси).

Б.Назаров

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., академик

Р.Баракаев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.н.

Т.Мирзаев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, ф.ф.д., академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон фольклоршунослиги тарихида фольклор асарларининг версия ва вариантлари, уларни қиёсий ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки жаҳон фольклори тараққиётида романик дostonлар алоҳида ўрин тутиб, бу тур эпик меросга эга халқларнинг бадиий тафаккури тадрижини тадқиқ этиш ва назарий хулосалар чиқаришда асосий объект ҳисобланади.

Жаҳон фольклоршунослиги масалалари юзасидан тадқиқот олиб бораётган дунёдаги йирик илмий марказларда фольклор асарларининг версия ва вариантларини қиёсий ўрганиш борасида қатор тадқиқотлар яратилган бўлиб, уларда фольклорда версия ва вариантлик масаласини муайян бир асар мисолида кўрсатиш, турли тиллардаги версияларнинг муштарак ҳамда ўзига хос, фарқли жиҳатларни ёритиб бериш, вариантлар қиёси асосида образ ва мотивлар эволюциясини аниқлаш ва эпик ижод бадииятини кўрсатиш алоҳида ўрин тутди. Шу боисдан ҳам, айниқса, туркий халқлар эпосида версия ва вариантликнинг тутган ўрни жаҳон фольклоршунослиги томонидан алоҳида эътироф этилгандир.

Ўзбек халқи бой ва қадимий эпик анъаналарга эга бўлиб, минг йиллар давомида яратилиб, сайқал топиб, авлоддан-авлодга бетакрор ижодкор-бахшилар орқали ҳозиргача етиб келган ушбу асарларда уни яратган халқнинг дунёқараши, тафаккур тарзи, ҳаётга бўлган эстетик муносабатлари, орзу умидлари, интилишлари бетакрор бадиий ифодасини топган. Романик дostonлар бу тур эпик меросга эга халқларнинг бадиий тафаккури тадрижини тадқиқ этиш ва назарий хулосалар чиқаришда асосий объект ҳисобланар экан, айти турдаги асарлардан бири «Саёд ва Ҳамро» дostonидир. Дoston Марказий Осиёда яшовчи ўзбек, туркман ва қорақалпоқ халқларининг бахши ва қиссахонлари, ҳамда турк, озарбойжон халқлари фольклорида машҳур. Дostonнинг Хоразм версиясида қахрамонлик ва романик тасвир синтезлашган. Ундаги айрим мотивлар қадимги сак қабилалари қизлари урф-одатлари, амазонкалар фаолияти, қолаверса, «Китоби дадам Кўркут»даги айрим образлар билан боғланиб кетади. Бугунги кунда халқимизнинг асл қадриятлари ўзининг чин баҳосини олиш имконига эга бўлган экан, ушбу маънавий бойликларни ёш авлод эҳтиёжлари ва давр талабларига мос ҳолда тарғиб этиш, жаҳон филологиясининг энг долзарб назарий концепциялари асосида ўрганиш фольклоршуносликнинг бош мақсади ҳисобланади. Зеро, “бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аجدодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган бекиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаманки, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажакимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади”¹. Ушбу улуғ ниятларнинг амалга ошишида фольклор, хусусан эпик ижод

¹ Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017, 4 август. – №153 (6347).

намуналари алоҳида ўрин тутади. Айни маънавий бойликларини бугунги авлод эҳтиёжлари ва давр талабларига мос ҳолда тарғиб этиш, ҳозирги замон жаҳон филологиясининг энг долзарб назарий концепциялари асосида ўрганиш, давлатимизнинг фан йўналишларига инновацион ғоя ва таклифларни олиб кириш борасидаги одилона сиёсатининг ёрқин далили бўлиб юзага чиқади. Достоннинг генетик илдизларини ёритиш, бошқа туркий халқлардаги версия, вариантларини қиёсий-типологик аспектда ўрганиш, достоннинг кўлёзма нусхаларини оғзаки вариантлар билан солиштирган ҳолда мотивлар эволюциясини аниқлаш, бадииятидаги ўзига хосликларни таҳлил қилиш ишимизнинг долзарблиги ва заруратини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сон «Мақтабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги «2010–2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида» 222-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I “Жамиятни ислоҳ этиш ва модернизациялаш жараёнида миллий, адабий, тарихий ва диний кадриятлар, миллий ғоя, эстетик-бадиий тарбия, санъат, моддий ва номоддий маданий мерос, миллий давлатчилиги тарихини тадқиқ этиш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилиш даражаси. Жаҳоннинг фольклоршунослиги масалалари юзасидан тадқиқот олиб бораётган дунёдаги йирик илмий марказларда тадқиқот олиб бораётган олимлар фольклор асарларининг версия ва вариантлари, уларни қиёсий ўрганиш борасида қатор тадқиқотлар яратганлар. Жумладан, Бонн университети (Германия) профессори Карл Райхл дунё халқлари эпоси, жумладан, туркий халқ эпоси борасида изланишлар олиб борган².

«Саёд ва Ҳамро» достони сюжети, мотивлар силсиласи, образлари хусусида ўзбек фольклоршунослигида тадқиқотлар жуда кам бўлиб,

² Райхл Карл. Тюркский эпос: традиции, формы, поэтическая структура. Пер. с англ. В. Трейстер под ред. Д.А. Функа. – М.: Восточная литература, 2008. – 383 с.

Ж.Қобулниёзов, О.Мадаев, М.Муродов, С.Рўзимбоев каби фольклоршуносларнинг айрим мақолаларини ҳисобга олмаганда, дoston ҳақида монографик ишлар амалга оширилмаган³. Бошқа туркий халқлар фольклоршунослигида ушбу дoston ҳақидаги тадқиқотлар миқдор жиҳатидан анчагина бўлса-да, дostonнинг версия ва вариантлари қиёсий таҳлилга тортилмаган⁴.

Ушбу тадқиқот ўзбек «Сайёд ва Ҳамро» дostonининг туркий версия ва вариантлари юзага келиши, жонли ижро жараёнидаги ҳолати, турли даврларда оғзаки ва тошбосма нусхалари, улардаги образ, мотив ва сюжетлар тизимини қиёсий тадқиқ этишга қаратилганлиги билан мавжуд ишлардан фарқ қилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Урганч давлат университети Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси режасидаги “Ўзбек фольклори ва ёзма адабиёти тараққиётида Хоразм адабий муҳитининг ўрни” мавзуси доирасида бажарилиб, УрДУ илмий-тадқиқот ишлари режаси таркибига киритилган.

Тадқиқотнинг мақсади Хоразм дostonчилик анъанасида муҳим ўрин тутган «Саёд ва Ҳамро» дostonининг турли версия ва вариантлари, оғзаки, тошбосма ва нашрларини қиёсий тадқиқ этиш асосида мазкур вариант ва версияларнинг муштарак ҳамда ўзига хос ва фарқли хусусиятларини аниқлаш, дostonнинг тарихий асосларини ёритиб бериш, дoston сюжет тизимида образлар ўрнини таҳлил этиш, бир дoston мисолида халқ оғзаки ижод намуналарининг юзага келиш ва тараққий этиш, жонли ижро жараёнида яшаш қонуниятларини очиш ҳамда эпик ижод бадииятини кўрсатишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

дostonнинг ўзбекча оғзаки, тошбосма ва насрий вариантларини қиёсий таснифлаш;

дostonнинг тарихий асосларини ёритиб бериш;

фольклорда версия ва вариантлик масаласини бир дoston мисолида кўрсатиш;

дostonнинг қорақалпоқ, туркман, турк ва озарбойжон версияларидаги муштарак хусусиятларни белгилаш;

дoston версияларидаги ўзига хос, фарқли жиҳатларни ёритиб бериш;

³ Рўзимбоев С. Саёд ва Ҳамро / “Ошиқ туркуми” дostonларининг ғоявий-бадий хусусиятлари. - Тошкент: ТДПИ нашриёти, 1987, 45-56-бетлар; Рўзимбоев С. «Саёд ва Ҳамро» / Ошиқнома, I китоб. – Урганч: “Хоразм”, 2006, 343-бет; Муродов М. Ижод дурдоналарини излаб. - Тошкент: Фан, 1967; Мадаев А. Хорезмские дастаны и их специфические особенности: АКД, 1973.

⁴ Каррыев Б.А. Эпос и дастаны // Известия АН Туркменистана, серия общественных наук. – Ашгабат, 1973, №6; Гаррыев С. Туркмен эпосы, дастанлары ве гундогар халкларынын эпика доредижилиги. - Ашгабат, 1982; Мамедязов Б. Туркменский народный дастан «Саятхан и Хемра»: АКД, Ашгабат, 1963; Радлов В.В. Образцы народной литературы тюркских племен. Часть III-IV. - СПб, 1870; Мақсетов Қ, Тажимуратов А. Қарақалпақ фольклоры. - Нукус, 1979. Нақимов М. Азәрбајчан ашыг әдәбијјаты. – Бақы: Јазычы, 1983. Әliyeva F. Әmrah dastaninin türkmen versiyasi: Genezisi və formalaşması. – Бақы: Elm və təhsil, 2011. – S. 130; Bali M. Ercişli Emrah ile Selvi Han hikayesi: variantların tesbeti ve halk hikayeciliyi bakımından önemi. - Ankara: Baylan matbaası, 1973. - S. 302; Saka oğlu S. Erci Şli Emrah. - Ankara: Kültür ve turizm Bakanalığı Yayınları, 1987. – S.175; Мирбадалева М. Туркменский романический эпос / “Хуйрулугка-Хемра. Саят и Хемра”. – М.: Вост. лит., 1971. – С. 3-30.

ёзма ва оғзаки вариантлар қиёси асосида образ ва мотивлар эволюциясини аниқлаш;

достон версиялари мисолида эпик ижод бадииятини кўрсатиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Саёд ва Ҳамро» достонининг туркий халқлардаги версия ва вариантлари, мотив ва образлари, бадиий ижро маҳорати танланган.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда «Саёд ва Ҳамро» (Тошкент: Фан, 1964); «Ошиқнома». I китоб (Урганч: «Хоразм», 2006); «Ошиқнома». V китоб (Урганч: «Хоразм», 2011), «Саятлы Хемра» (Ашгабат: Туркмендавнашр, 1960); «Қарақалпақ фольклори». XIV том (Нөкис: Қарақалпақстан, 1985); «Хуйрулугка-Хемра. Саят и Хемра» (М.: Вост. лит., 1971); 1914 йилги тошбосма нашр, Anadolu Halk Hikayelleri (Kültür Ajans Yayinlari №4. Hayrettin ivgin, 2003), Əliyeva F. Əmrah dastaninin türkmen versiyasi: Genezisi və formalaşması (Бакы: Elm və təhsil, 2011) каби манбалардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предметини достоннинг туркий халқлар версия ва вариантларини бугунги давр фольклоршунослиги талабларидан келиб чиқиб қиёсий аспектда ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-тарихий таҳлил усулидан фойдаланилди.

Ишнинг илмий янгилиги қуйидагиларда намоён бўлади:

«Саёд ва Ҳамро» достонининг икки нафар оғзаки ва бир нусха тошбосма вариантларини қиёсий ўрганиш асосида достоннинг мукамал варианты аниқланган;

достоннинг ўзбекча вариантлари ва қорақалпоқ ҳамда туркман версиялари қиёсланиб, сюжетдаги умумийлик, образлар тизимидаги яқинлик ва миллий алоҳидаликлар ёритиб берилган;

достон илк маротаба озарбайжон ва турк версиялари билан сюжет тизими, композиция, етакчи образлар кесимида ўзаро солиштирилиб, асарнинг генетик ва тарихий асосларига, талқинларига аниқлик киритилган, озарбайжон ва турк версияларининг Ўрта Осиё версияларидан кескин фарқ қилишига асос бўлган омиллар ва тарихий шароитлар аниқланган;

вариантлараро чоғиштириш асосида эпик ижодга хос анъаналар, бадииятига тегишли қонуниятларнинг муштараклик ва хусусийлик жиҳатлари ёритилган;

ёзма ва оғзаки вариантлар қиёси асосида достондаги образлар ва етакчи мотивлар эволюциясига аниқликлар киритилган, фольклорда версия ва вариантлик масаласи бир достон версия ва вариантлари мисолида алоҳида кўрсатиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«Саёд ва Ҳамро» достонининг турли вариант ва версияларига оид манбалар тўпланиб, жаҳон фольклоршунослиги янги назарий концепциялари асосида комплекс тадқиқ этилган;

Достоннинг турли вариант ва версиялари ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар, ўзига хосликлар, ўзбек вариантининг оғзаки, тошбосма нусхалари

ҳамда нашрлари ўртасидаги тавофутлар қиёсий таҳлил этилган ва мазкур дostonнинг жонли ижрода яшаш омилларида тошбосма ва нашрларнинг муҳим роль ўйнаганлиги илмий жиҳатдан асослаб берилган;

«Саёд ва Ҳамро» мисолида туркий халқ фольклорида ижодий муштараклик, сюжет ва мотивлар талқинида ўзига хос ёндошув, эпик ижодкор маҳорати, версияларнинг яшаш қонунияти илк бор фольклористик таҳлил объекти сифатида ўрганилган;

Достон қадим даврлардан бери Хоразм бахшилари репертуарида оғзаки, қиссахонлар ва халфалар репертуарида ёзма нусхалар воситасида оммалашининг омиллари, версия ва вариантнинг ареал хусусиятлари, ранг-баранг мотивларнинг дoston структурасида тутган ўрни атрофлича ўрганилганлиги, дoston матнида бадий тасвир воситаларининг тутган ўрни масалаларининг аниқланлиги «Саёд ва Ҳамро» мисолида туркий халқлар дostonларини тадқиқ этишда ҳам муайян фактик асос вазифасини ўташи исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг таснифлаш, қиёсий-тарихий таҳлил усули билан асослангани, «Саёд ва Ҳамро» дostonининг версия ва вариантлари, уларнинг қўлёзма, тошбосма ва нашр нусхалари ҳамда энг ишончли архив манбаларига таянилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чиқарилган назарий хулосалар ўзбек дostonларининг тарихий асослари, юзага келиш ва яшаш омиллари, тараққиёт босқичлари, ўзига хос жанрий хусусиятлари, эпик ижодга хос версия ва вариантлик билан боғлиқ маълумотларни ўрганишда муҳим назарий аҳамият касб этиши билан белгиланади. Туркий халқлар эпосини қиёсий тадқиқ этган ушбу тадқиқот иши ўзбек фольклоршунослиги, туркий халқлар фольклори, матншунослик, этнография, санъатшунослик фанлари ривожига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ундаги ўзбек халқ дostonлари версия ва вариантлари, дostonлар қиёсий ўрганилишига оид умумлашма ва материаллардан олий ўқув юртларида халқ оғзаки бадий ижодиёти фани бўйича маърузалар ўқишда, махсус курслар ўтишда, академик лицей ва коллежларда дарс машғулоти олиб боришда, ўқув қўлланмалар, дарслик, мажмуалар яратишда, шунингдек, дostonларнинг оммабоп ва академик нашрларини тайёрлашда кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек халқ дostonларининг, жумладан, «Саёд ва Ҳамро» дostonининг туркий версия ва вариантларини (ўзбек, турк, туркман, қорақалпоқ, озарбайжон) тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги «2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги 222-сон қарори ижроси бўйича Ўзбек

тили, адабиёти ва фольклори институтида нашр этилаётган “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлигида фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2018 йил 15 февралдаги 311255-416 рақамли маълумотномаси). Натижада 100 жилдликнинг 52-жилди, “Саёд ва Ҳамро” достони нашриётга нашрга берилган, 54-жилдига киритилиши режалаштирилган “Ошиқнома” сериясининг 5-китобида чоп этилган “Лайли ва Мажнун” достонининг Умар Боқий вариантдан, “Юсуф ва Зулайхо” достонининг йиғма матнини тайёрлашда “Юсуф ва Зулайхо” достонининг хоразмлик халфалар эпик репертуарида оммалашган варианты, шунингдек, 57-жилддаги Раҳматилла Юсуф ўғлининг “Тоҳир ва Зухра” достонини нашрга тайёрлашда “Ошиқнома” сериясининг 5-китобида чоп этилган “Тоҳир ва Зухра” достонининг Хоразм версиясидан матни манба сифатида фойдаланилган;

“Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100-жилдлигига киритилган “Саёд ва Ҳамро” достонининг туркий версия ва вариантларининг шаклланиш тарихи ва бадиий эволюцияси назарий манба сифатида материал сифатида хизмат қилган;

“Қорақалпоқ фольклори” 100-жилдлигининг 27-42-жилдларига киритилган “Саятхан - Ҳамра” (Жуман бахши Туреев); “Юсуп Аҳмет” (Абдурейим Турениязов); “Шийрин-Шекер” (Қурбанбай жирова Тажибаев); “Бозаман” (Қурбанбай жирова Тажибаев) достонларини нашрга тайёрлашда матний таҳлил қилиш ва достонларнинг версия ва вариантларини оидинлаштиришга доир назарий умумлашмалардан фойдаланилган (Фанлар академиясининг 15.02.2018 йилдаги 311255-416 рақамли маълумотномаси);

Халқ достонлари, хусусан, “Саёд ва Ҳамро” достонининг туркий версия ва вариантларига оид фактик материаллар ва таҳлилий хулосалардан ФІ-ХТ-0-19919 “Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётидаги ўрни” фундаментал илмий лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 15 февралдаги №89-03-715 маълумотномаси). Мазкур натижалар ўзбек халқи бадиий тафаккури такомилда муҳим ўрин тутган достон жанри ҳамда унинг версия ва вариантларининг қиёсий текстологик тадқиқот қонуниятларини оидинлаштиришга асос бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та, жумладан, 4 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманлардаги маърузаларда илмий жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш нашр этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган 166 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг кириш қисмида диссертация мавзуси, тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Саёд ва Ҳамро**» достонининг ўзбек вариантлари» номли биринчи бобининг илк фасли «**Оғзаки вариантлар**» деб аталган.

“Саёд ва Ҳамро” достони ишқий-саргузашт типига асарлар қаторига киритилса-да, унинг умумий композицион тузилишида бу характердаги достонларга ўхшамайдиган мотивлар ҳам ўзини намоён қилиб туради. Шунинг учун ҳам Х.Г.Кўрўғли достон сюжети икки қисмдан иборат эканлигини таъкидлайди.¹

Дарҳақиқат, достон сюжетининг биринчи қисмида Ҳамро билан Саёдхоннинг севги саргузаштлари васф этилади. Бироқ, достоннинг финал қисмида жанг эпизодлари берилиб, унда Саёдхон жасорат ва мардлик намунасини кўрсатади. Унинг жасоратлари “Китоби дадам Кўрқут”нинг олтинчи шохобчасидаги Салжан хотун фаолиятига жуда ўхшаб кетади.

Достон ҳақида махсус илмий изланиш қилган туркман олими Б.Мамадёзов ҳам достонни севги-муҳаббат ва қаҳрамонлик характеридаги асар дея баҳолайди².

Саёдхон достонда баҳодир киз-жасур қаҳрамонларга хос фаолият кўрсатади. Шунинг учун бўлса керак, достонни нашрга тайёрлаган Ж.Қобулниёзов уни асардаги биринчи даражали, Ҳамрони эса иккинчи даражали персонаж сифатида кўрсатади³.

Достон ҳажм жиҳатидан ҳам ишқий-саргузашт типига “Асил ва Карам”, “Ошиқ Албанд” ва бошқа достонларга қараганда кўламдордир.

“Саёд ва Ҳамро” халқ орасида оғзаки, кўлөзма ва тошбосма нусхаларда кенг тарқалган. Унинг Хўжамурод бахшидан 1938 йилда Буюк Каримий ёзиб олган варианты 73 саҳифадан, 1960 йилда Усмон Аҳмедов ёзиб олган Худойберган бахши Ўтаган ўғли варианты 61 саҳифадан иборат.

Достоннинг халқимиз орасида тарқалган тошбосма нусхаси 1914 йилда Тошкентда чоп этилган бўлиб, 121 саҳифани ташкил этади. Бу нусха асосида

¹ Короглы Х.Г. Шасенем и Гарып, Касым оглан и другие туркменские народные повести. – М.: Наука, 1991. – С. 18.

² Мамедязов Б. Туркменский народный дестан «Саят и Хемра»: АКД. – Ашхабад, 1963. – С. 7.

³ Қобулниёзов Ж. Сўз боши. “Саёд ва Ҳамро”. – Тошкент: Фан. 1964. – Б. 9.

1964 йилда Ж.Қобулниёзов нашрга тайёрлаган китоб 5,1 босма тобоқ ҳажмга эга.

2006 йилда “Саёд ва Ҳамро” достони Урганчда “Хоразм” нашриётида чоп этилди. Бу вариант 1964 йилги нашрга асосланган бўлса-да, нашрга тайёрловчи С.Рўзимбоевнинг ёзишича, дoston бошқа кўлёзма нусхалар асосида тўлдирилиб, мукамаллаштирилган.⁴

Демак, халқ орасида “Саёд ва Ҳамро” достонининг икки оғзаки ва учта чоп этилган тошбосма нусхаси мавжуд.

Мазкур асарнинг ўзбекча вариантлари шу пайтга қадар махсус тадқиқот объекти бўлган эмас. Дoston ҳақидаги баъзи тадқиқотларда айрим фикрлар билдирилган. Шулардан бири – О.Мадаевнинг номзодлик диссертациясида Саёд ва Ҳамро образларига умумий тарзда характеристика бериб ўтилади ва Саёднинг қахрамонлик фаолиятига юксак баҳо берилиб, тилининг эса ёзма асарларга яқинлиги таъкидланади.⁵

Дoston борасидаги батафсил маълумот С.Рўзимбоев тадқиқотларида учрайди. Жумладан, 2006 йилги нашрда ҳам мазкур дostonга оид айрим қимматли фикрлар мавжуд.⁶

М.Муродовнинг “Экспедиция натижалари” мақоласида дostonнинг Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги бахшилар репертуарида ҳам учраши ҳақида баъзи маълумотлар берилган.⁷

Хоразм дostonчилигига хос жиҳатлар, хусусан, “Саёд ва Ҳамро” дostonи ижроси ҳақида О.С.Мирбадалеванинг ишларида ҳам қизиқарли кузатишлар учрайди. У ўзбек фольклоршунослари Ж.Қобулниёзов ва Ф.Султоновалардан олган маълумотларига асосланиб, шундай таъкидлайди: “Саёд ва Ҳамро” дostonи Хоразмда ўзбек ва туркман тилларида ижро этилади. Бу жараёнда коллектив ижро сахнага чиқади. Агар дoston ўзбеклар орасида куйланса, бошловчи бахши ўзбеклардан бўлади. У насрий матнларни ҳикоя қилади. Шеърый парчалар биргаликда куйланади. Агар дoston туркманлар орасида ижро этилса, бошловчи бахши туркманлардан бўлади ва ўша тартибда дoston ижроси давом этади. Дoston бу ўлкада қиссахонлар-қироат билан ўқувчи шахслар томонидан ҳам ижро этилади”⁸.

Дарҳақиқат, “Саёд ва Ҳамро” дostonи Хоразм воҳасида икки, уч тилда куйланиб, оғзаки тарзда бахшилар, кўлёзма нусхалар воситасида қиссахонлар ва халфалар томонидан асрлар давомида ижро этиб келинган. Бу вариантлар орасида, аввало, Хўжамурод бахши вариантыга тўхталиб ўтиш зарур бўлади.

Бу вариант 1938 йилда Буюк Каримий томонидан ёзиб олинган бўлиб, матн ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти фольклор архивида 620-рақамли инвентарда сақланади. Дoston матни лотин алифбосида кўчирилган бўлиб, 73 саҳифани ташкил этади. Ушбу вариантни

⁴ Ошиқнома, 1-китоб. – Урганч: “Хоразм”, 2006. – 343 бет.

⁵ Мадаев А. Хорезмские дастаны и их специфические особенности: АҚД. – Ташкент, 1973. – 17 с.

⁶ Ошиқнома. I китоб. – Урганч: “Хоразм”, 2006. –Б.343.

⁷ Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, 1961, №1. – Б. 65.

⁸ Мирбадалева А.С. Туркменский романический эпос / “Хуйрулугка-Хемра. Саят и Хемра”. – М.: Вост. лит, 1971. – С. 10-11.

араб ёзувидаги қўлёзма нусха билан таққослаганда ундан ҳажман қарийб икки барабар кичик эканлиги кўзга ташланади.

Хўжамурод бахши вариантида иккинчи қисм тушириб қолдирилган. Ҳолбуки, иккинчи қисмдаги воқеалар Саёдхон образидаги жанговарлик ва қаҳрамонлик хусусиятларини очиб беришга бағишланган.

Буюк Каримий ёзиб олган бу нусха ҳажман кичиклиги, узук-юлуқлиги ва асар композициясидаги иккинчи йўналиш: Саёдхоннинг жанговарлик фаолияти тушириб қолдирилиши муайян сабаблар билан боғлиқ бўлса керак.

Достон 1938 йилда ёзиб олинганлиги ҳисобга олинса, бу давр қатоғон йилларининг авжга чиққан пайтлари эди. Бу ҳолат достон матнида ҳам сезилиб туради.

“Саёдхон ва Ҳамро”нинг Худойберган бахши варианти энг мукаммал бўлиб, у ҳажм жиҳатдан кўламдор ва бадий жиҳатдан юксак савиядадир.

Уни 1960 йил 11 мартда Усмон Аҳмедов ёзиб олган. Достоннинг насрий қисми батафсил ва кенг даражада берилган. Шеъринг мисралар 552 қаторни ташкил этгани ҳолда насрий қисм 1244 сатрдан иборат. Достон матни ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти фольклор архивида 720-инвентарь рақами остида сақланади. Матн машинка қоғозида кўчирилган 61 саҳифани ташкил этади. У кирилл алифбосида кўчирилган. Кейинчалик сиёҳ билан имло хатоларнинг баъзилари тузатилган. Лекин асосий матнга ўзгартиш киритилмаган.

Мазкур вариантнинг яна бир қимматли томони шуки, ундаги ҳар бир шеъринг парчанинг қайси куйга солиб айтилиши назарда тутилиб, ўша куй номи берилган.

Шунингдек, ушбу фаслда Хўжамурод бахши ва Худойберган бахши вариантлари қиёсий таҳлил қилинади. Ўз навбатида, улар ёзма нусхаларга ҳам таққосланади.

Оғзаки вариантлар ва ёзма нусхада тарқалган матнларни ўзаро қиёслаш шу фикрга олиб келадики, “Саёд ва Ҳамро” достонининг бир-неча эмас, балки ўнлаб ёзма нусхалари халқ орасида тарқалган бўлиши эҳтимол. Шунга кўра бахшилар орасида тарқалган оғзаки вариантлар ҳам турфа тарзда ижро қилиб келинган.

Мавжуд вариантлар ўзаро қиёсланганда бошқаларига нисбатан Худойберган бахши куйлаган версия оғзаки вариантларнинг энг мукаммалидир, деган хулосани беради.

«Достоннинг тошбосма нусхалари ва сўнгги нашрлари» деб номланган фаслда асарнинг тошбосма ва қўлёзма нусхалари тавсифланиб, қиёсий тадқиқ қилинади.

“Саёд ва Ҳамро” достони 1914 йилда Тошкентдаги Порцев типо-литографиясида чоп этилган бўлиб, 121 саҳифадан иборат.

Араб ёзувидаги ушбу тошбосма нусха анча мукаммал бўлиб, таркибида 95 та шеъринг матн бор. Мисралар сони 1858 қаторни ташкил этади.

1964 йилда Ж.Қобулниёзов томонидан нашрга тайёрланиб чоп этилган “Саёд ва Ҳамро” достони унинг табдил қилинган вариантыдир. Бироқ, бу

нашрда асл нусхадаги кўпгина шеър, баъзи банд ва айрим мисралар тушириб қолдирилган. Шу сабабдан унда 92 шеърый матн бўлиб, мисралар сони 1719 қаторни ташкил этади. Насрий қисмида эса унча ўзгариш кўзга ташланмайди. Шу сабабли асар мазмуни 1964 йилги нашрда айнан сақланган. Шеърый банд ва мисраларнинг тушириб қолдирилиши эса, фикримизча, бу дoston нашр қилинган давр мафқураси билан боғлиқдир. Масалан, 1914 йилги нашрда банд кўйидагича берилган:

Ошиқ Ҳамро деяр, гул юзли моҳи,
Ҳар замон кўрмаса йўқди қарори,
Оламини яратган қудратли Тангри,
Бизга қувват берсин ғариб ерларда.

Достоннинг 1964 йилги нашрида (88-саҳифа) мазкур банд йўқ. Банддаги учинчи мисра собиқ шўро мафқурасига зид келганлиги ўз-ўзидан маълум.

Охирги шеърый матннинг сўнгги банди 1964 йилги нашрда уч мисрадан иборат бўлиб қолган. Аслида, мазкур банд тошбосма нусхада тўла:

Саёдхон дер, аввал Худо хурмати,
Ғариб онам ҳақи, отам хурмати,
Тангри дўсти Расулиллоҳ хурмати.
Ор-номусим ташлаб борсам, борайин (132-бет).

Бундан ташқари, дostonдаги айрим шеърларда интим ўринлар мавжуд. 1964 йилги нашрда бу характердаги шеърлардан ҳам бир нечаси қолдирилган. Бироқ, бу қисқартишлар дostonнинг умумий композицион қурилишига жиддий таъсир кўрсатмаган.

Диссертацияда 1914 йилги тошбосма нусха билан 1964 йилда нашр қилинган вариант барча тафсилотлари билан таққосланиб, жиддий камчиликлар мисоллар билан кўрсатиб ўтилади.

Мавжуд тошбосма нусхани 1914 йилги нусхага таққослаганда ҳам анчагина ўзгаришлар намоён бўлади. Иш давомида бу икки матн ҳам ўзаро киёсланиб, фарқлар атрофлича таҳлил қилинди.

Бинобарин, 1914 йилда чоп этилган тошбосма нусхаларда ҳам ўзаро бир-биридан муайян фарқ бор.

2006 йилда Урганчда нашр қилинган китобда ҳам дostonнинг 1914 ва 1964 йилларда босилган ўзбекча, 1960 ва 1971 йиллардаги туркманча матнларида асосий сюжет сақланган. Шу билан бирга, 1914 йилдаги Тошкент босмаси ва 1964 йилги нашрнинг бир хил эканлигини қайд этиш лозим. Аммо, дostonнинг 2006 йилги нашри юқоридаги икки китобдан анча фарққа эга. Бу фарқлар умумий сюжетга дахлдор бўлмаса-да, асосан, янги эпизодлар ва ўша эпизодлар билан боғлиқ шеърлар аввалги нашрлардан фарқ қилади. Шунингдек, унда 1964 йилдаги нашрда тушириб қолдирилган айрим мисра ва бандлар қайта тикланган, хато ўқилган сўзлар тузатилган. Ҳаммаси бўлиб тўққиз шеърый парча янгидан кўшилган. Улар бошқа кўлёмалардан олиб тикланган. Йигирма олти банд шеър ташлаб кетилган ўринларига қўйилган. Бир қанча матний нуқсон ва хатолар бартараф қилинган.

Бинобарин, “Саёд ва Ҳамро” достони кўпроқ ўғузча шевада асрлар давомида куйланган. Улар элдан элга, минтақадан минтақага кўчганда дoston ўз яратувчилари ва куйловчилари билан бирга кўчиб юрган. Шу сабабли ҳам унинг турфа вариантлари ўзбек, қорақалпоқ, туркман, турк ва озарбайжон каби туркий халқларнинг фольклорида ҳозирга қадар яшаб келмоқда.

Боб охирида таҳлил қилинган муаммолар бўйича қисқа хулосалар берилган.

Диссертациянинг иккинчи боби “Достоннинг Ўрта Осиёдаги туркий версиялари” деб номланиб, унда асарнинг Ўрта Осиёда тарқалган туркман ва қорақалпоқ версиялари ўзбекча вариантлари билан қиёсий–типологик аспектда таҳлил этилади. Боб икки фаслдан иборат бўлиб, биринчи фаслида “Достоннинг туркман версияси билан алоқаси”га доир масала ёритиб берилади.

“Саёд ва Ҳамро” туркманлар орасида ҳам кенг тарқалган машҳур дostonлардан бири. Уни номзодлик диссертацияси сифатида тадқиқ қилган Б.Маматёзовнинг кўрсатишича, бу дoston Туркменистонда 13 бахши репертуарида куйланиб келинган бўлиб, унинг 22 варианты мавжуд, шулардан икkitаси тошбосма нусхадир¹.

Достон Ашхободда 1927, 1941, 1960 ва 1968 йилларда чоп этилган.

У 1945 йилда Шобанда номли шоирнинг асари сифатида ҳам чоп этилган эди. Б.Маматёзов бу шоир дoston муаллифи эканлигини қатъий рад қилади. Асосий далил сифатида эса дostonда мумтоз адабиётга хос – мухаммас ва ғазал жанрларининг йўқлиги ва тили соддалигини таъкидлайди². Умуман, “Саёд ва Ҳамро”нинг туркман версияси ҳақида тадқиқотлар анчани ташкил этади⁴. Ҳатто, дostonнинг бу версияси 1971 йилда рус тилида Москвада ҳам босилган³.

Биз туркман версиясининг ўзбек версиялари билан алоқаси хусусида айрим мулоҳазаларни билдиришга ҳаракат қилдик.

Туркман версиясининг вариантлари кўп бўлишига қарамай, босилиб чиққан нашрлар орасида 1960 йилда Б.Кербобоев сўзбошиси билан чоп этилган нусха кўлами ва мукамаллиги билан ажралиб туради. Ундан кейин 1971 йилги Москва нашри эътиборли. Ҳар икки нашр қиёсланганда 1960 йилги нусхада 2340 мисра, 1971 йилги нашрда 2224 мисра шеърӣй парча мавжуд экан. Ишда бу нашрлар ҳам қиёсий таҳлилга тортилган.

Сюжетга разм солинса, воқеалар тизими ўзбек версиясига деярли мос келади. Бунинг асосий сабабларидан бири дostonнинг қўлёзма ва тошбосма шаклида ҳар икки халқ орасида кенг тарқалишидир.

Достон туркман версиясининг ушбу нашри йиғма вариант бўлиб, уни тайёрлашда ёзма ва оғзаки вариантлардан фойдаланилган. Натижада дoston

¹ Мамедязов Б. Туркменский народный дестан «Саят и Хемра»: АКД. Ашхабад, 1963. – С. 7.

² Кўрсатилган автореферат, 5-бет.

⁴ Карриев Б.А. Эпос и дестаны (к вопросу об их взаимосвязи) // Известия А, Н Туркменстана. Серия общественных наук, 1973, №6. – С. 45-52. Гарриев С. Туркмен эпосы, дессанлары ве гундогар халқларының эпика дореджиллиги. Ашгабат, «БЎлым», 1972. Велиев Б. Ставрополь туркменлериниң дессанлары. –Ашгабат, «БЎлым», 1980.

³ Хурлугка и Хемра, Саят и Хемра, туркменский романический эпос. – М.: «Наука», 1971.

ҳажми анча кенгайган ва шеърӣ мисралар сони ошган. Маълумки, дostonнинг ёзма нусхалари кўп бўлиб, уни кўчирган қиссахон ёки хаттотлар асар таркибига анча-мунча ўзгартишлар киритишган. Айрим эпизодлар қисқартирилган ёки қўшиб юборилган. Натижада янги шеърӣ парчалар пайдо бўлган ёки тушиб қолган. Шу туфайли, туркман версиясидаги янги эпизодлар билан алоқадор шеърлар сони ўзбек версиясидагидан кўпроқ. Масалан, 2006 йилда Урганчда нашр этилган дoston вариантида 105 та шеър ишлатилган бўлса, туркман версиясининг 1960 йилги нашрида улар 113 тадир. Диссертацияда ушбу вариантлардаги қўшиқлар батафсил қиёсланди. Тадқиқ давомида матнлар ёзма нусхалар билан ҳам таққосланди.

Дostonнинг Ставрополь туркманлари орасида тарқалган вариантлари хусусида ҳам ишда қисқача тўхтаб ўтилган. Бу вариант кейинги 300 йил ичида ўз аслиятидан анча узоқлашиб, маҳаллийлашган ва лексикасида ҳам муайян ўзгаришлар юзага келган.

Маълум маънода, «Саёд ва Ҳамро»нинг қўлёзма, тошбосма нусхалари туркман, ўзбек ва қорақалпоқ версияларининг пайдо бўлишига ҳам асос бўлиб хизмат этган, дейиш мумкин. Ўз навбатида, оғзаки вариантлар эса бахшилар томонидан миллий ўзгачаликлар асосида қайта ишланган.

Бобнинг иккинчи фасли **“Дostonнинг қорақалпоқ версияси билан алоқаси”** деб номланган.

Қорақалпоқ халқи ўзининг бой ва қадимий эпосига эга бўлиб, уларни ижро қилувчилар “жиров” номи билан юритилади. Шу билан бирга, қорақалпоқ халқи орасида “бақсы” номи билан юритилadиган дoston ижрочилари ҳам бор. “Бахшилар” ўзининг репертуари, чаладиган сози ва овози жиҳатидан жировлардан кескин ажралиб туради. Жировлар қўбиз жўрлигида куйлашса, бахшилар дутор чалиб қўшиқ куйлашади. Шу сабабли жировларни “жирлади”, бахшиларни “айтди”, дейишади. Бахшичиликни қорақалпоқлар Хоразм ўзбеклари ва туркманлардан ўрганишган”⁵.

Ўз навбатида Хоразм ва туркман бахшилари репертуаридаги кўплаб дostonлар қорақалпоқ бахшилари томонидан ҳам куйлаб бошланган. Таъкидлаш лозимки, Хоразмдаги айрим ўзбек бахшилари ҳам жировлик фаолияти билан шуғулланишган. Мулла Бекжон Раҳмон ўғли ва Муҳаммад Юсуф Девонзодалар Ризо бахши ҳақида шундай ёзадилар: “Бу одам Гурлан қалъасини(нг) Хитой мавзесидандур. Ўзи ҳам бахши, ҳам жирчи эди”⁶. Демак, айрим бахшилар ўша даврда икки (қорақалпоқ ва ўзбек) тилларида дoston ижро этишган. Бу жараён дostonларнинг халқлар ўртасида кенг тарқалишига муайян даражада ижобий таъсир ўтказган.

Тадқиқотчи Қ.Мақсетовнинг Н.Довқораев асарларига таянган ҳолда фикр билдиришича, “Ғариб ошиқ”, “Саёдхон – Ҳамро”, “Хурлиқо – Ҳамро”, “Тўрўғли”, “Юсуф – Зулайҳо” каби дostonларнинг қўлёзма ва тошбосма нусхалари қорақалпоқларнинг саводхон бахши жировлари орасида кенг

⁵ Айымбетов Қ. Халқ даналығы. - Нөкис, «Қарақалпақстан», 1988. – Б. 126.

⁶ Мулла Бекжон Раҳмон ўғли, Муҳаммад Юсуф Девонзода. Хоразм мусиқий тарихчаси. – Тошкент. “Ёзувчи”, 1998. - Б. 38.

ёйила бошлаган. Бу дostonларнинг айримлари қорақалпоқ тилига таржима ҳам этилган⁷. Айрим дostonлар эса қиссахонлар томонидан қорақалпоқ тилига мослаштирилган ҳолда қайта ишланган. “Ғариб ошиқ” дostonининг Қози Мавлик томонидан қайта ишланганлиги бунга мисол бўла олади⁸. Бу тахлитдаги қайта ишлашларда қиссахонлар асардаги кўпгина лавҳаларни янгидан киритишган.

Тадқиқотимиз мавзуи бўлмиш дoston қорақалпоқ версияси оғзаки вариантларининг Манғит бахшилари репертуаридаги оғзаки вариантларга ўхшаш ўринлари ҳам учрайди.

Жапақ бахши орол ўзбекларидан бўлиб, Манғит ва Қипчоқ шаҳарчаларига ёнма-ён жойлашган Назархон овулида туғилган⁹ ва Манғит бахшилари билан яқин алоқада бўлган. Шу билан бирга, Суяв бахшига ҳам шоғирд тушган. Бинобарин, “Саёд ва Ҳамро” дostonининг қорақалпоқ бахшилари репертуарида оммалашувида Жапақ бахши ролини алоҳида таъкидлаш ўринли бўлади. Қолаверса, қорақалпоқ қиссахонлари ҳам бу дostonнинг қўлёзма ва тошбосма нусхалари бахшилар репертуарига ўтишида муҳим ўрин эгаллайди. Айниқса, бу жараёнда Қози Мавликнинг хизматлари улкандир.

Тадқиқот ишида асарнинг қорақалпоқ версияси билан ўзбек версия ва вариантлари ҳам ўзаро таққослаб тадқиқ этилган. “Саёд ва Ҳамро”нинг қорақалпоқ версиясидаги ифода воситаларининг аксарияти ўғуз эпосига тўла мос келади. Чунончи, дostonнинг насрий қисмида қайта ишланган муболағавий тасвирлар анчани ташкил этади.

“Саёд ва Ҳамро”нинг қорақалпоқ версияси ёзма нусхалар ва оғзаки вариантларнинг ўзаро гибридлашуви асосида юзага келган бўлиб, унда қиссахонларнинг сезиларли таъсири кўриниб туради. Шу билан бирга, оғзаки ижрога хос баён услуби ҳам ўзини намоён қилади. Жумладан, бу ҳолат насрий баёнда кўпроқ кўзга ташланади.

Туркман версияси билан ўзбек версияси бир-биридан жиддий фарқларга эга эмас. Чунки, уларнинг ҳар иккаласи ҳам маълум қўлёзма ёки тошбосма нусхалар асосида нашрга тайёрланган.

Дostonнинг қорақалпоқча нашрида юқоридаги икки версияга нисбатан анча-мунча ўзгачаликлар кўзга ташланади. Аввало, дoston ҳажми бирмунча кичрайтирилган. Ундаги айрим образлар, хусусан, ошиқ Аҳмад образи юмористик тарзда қайта ишланган.

Диссертациянинг учинчи боби **“Саёд ва Ҳамро” дostonининг турк ва озарбайжон версиялари**” деб номланади ва у ҳам икки фаслдан иборат. Унда дастлаб асарнинг ўрганилиши хусусида сўз юритилиб, тадқиқотларга муносабат билдирилади. Биринчи фасл – **“Дostonнинг турк версиялари”** таҳлилига бағишланган.

⁷ Максетов Қ. Дostonлар, жьраўлар, бақсылар. - Нөкис, “Қарақалпақстан”, 1992. – Б. 223.

⁸ Айымбетов Қ. Халық даналығы, 157-бет.

⁹ Айымбетов Қ. Халық даналығы, 144-бет.

Ўрта Осиёда, хусусан, ўзбек ва туркман фольклорида “Саёд ва Ҳамро” номи билан тарқалган дoston турк фольклорида “Эмрах ила Селви”, озарбайжонда “Ашиқ Амрах” тарзида номланади.

Тадқиқотларда таъкидланишича, Туркияда бу дostonнинг Ереван, Арзирум, Сивас, Жанкири, Эржиш ва Мараш вариантлари мажуд бўлиб, улар Онадўлида кўчирилган¹.

Турк олимларидан М.Ф.Кўпрулу, П.Н.Боратав, В.В.Ашкинлар асар бош қахрамони Эмрахнинг тарихий шахс бўлганлиги тўғрисида турлича фикр билдирадilar. Улар таъкидлашича, Ашиқ Эмрах XVII-XVIII асрларда Эржиш атрофида яшаб ижод қилган. Унинг девони ҳам бўлган. Улар бу масалада дostonда тилга олинган шоҳ Аббоснинг тарихий шахс эканлигига урғу беришади. Чунки, шоҳ Аббос ҳақиқатан ҳам 1603 йилда Ван қалъасини камал қилади. Ўша даврда Ашиқ Эмрах 18 ёшда бўлган. Яна бир турк олими Сойим Сакоўғли бу ошиқни эржишли Эмрах деб тилга олади ва унинг бир қатор ҳикоя (дoston) яратганлигини қайд қилади².

Ишда дастлаб турк версиясининг Эржиш вариантыга тавсиф берилади.

Бу вариант ҳажман кичик, ҳаммаси бўлиб унда 56 мисралик шеърӣ парчадан фойдаланилган. Дostonда ошиқ – дoston ижрочисининг ўзи бош қахрамон сифатида фаолият кўрсатади. Бу вариантни ўзбек ва туркман версияларига қиёслайдиган бўлсак, улар таркибидаги шеърларнинг бирор мисраси ҳам Эржиш вариантыга мос тушмайди. Қахрамон сифатида фаолият кўрсатувчи образларга келсак, Эмрах – Ҳамро, Селви – Салбиниёз исмлари Ўрта Осиё версияларидаги бош қахрамонларининг образлари билан ном жиҳатидан ўхшаш бўлиб, уларнинг талаффуз қилиниши турк тилига мослаштирилган.

Асосий масала шуки, Туркияда тарқалган Эржиш вариантыда ўзбек, туркман ва қорақалпоқ версияларида бош образ ўлароқ фаолият кўрсатувчи Саёдхон образи йўқ.

Селви (Салбиниёз) образи Ўрта Осиё версиялари воқеаларида иккинчи даражали образ сифатида иштирок этади. Эржиш вариантыдаги шоҳ Аббос, Мирўғлу образлари ҳам Ўрта Осиё версияларида тасвирдан четда қолган. Аммо Ошиқ Аҳмад – Ҳамронинг отаси образи турк ва Ўрта Осиё версияларида ўзгаришсиз тарзда берилади.

Воқеа ўрни Ўрта Осиё версияларида Озарбайжон деб белгиланса, Эржиш вариантыда Ажамистон шаклида берилади. Турк, озарбайжон ва туркман версиялари ҳақида тадқиқот олиб борган Озарбайжон олими Ф.Алиеванинг ёзишича, ушбу дoston дастлаб турк-озарбайжон муҳитида пайдо бўлиб, кейин туркман фольклорига ўтган. Туркман версияси турк версиясидан жиддий фарқ қилгани ҳолда озарбайжон версиясига анча яқин келади³.

¹ Bali M. Ercişli Emrah ile Selvi Han hikayesi: variantların tesbeti ve halk hikayeciliyi bakımından önemi. – Ankara: Baylan matbaası, 1973. – S. 302. (40-42).

² Saka oğlu S. Erci Şli Emrah. - Ankara: Kültür ve turizm Bakanalığı Yayınları, 1987. – S. 175.

³ Əliyeva F. Əmrah dastaninin türkmen versiyasi: Genezisi və formalaşması. – Bakı: “Elm və təhsil”, 2011. – S. 130 (312).

Фасл давомида турк версиясининг Арзирум варианты ҳам таҳлилга тортилади. Достоннинг Эржиш вариантга нисбатан мазкур вариант кўламдорлиги билан ажралиб туради. Бу вариантда Эмрахнинг уйланиши масаласи билан боғлиқ иккинчи бир йўналиш эътиборни тортади. Озарбайжон олимлари Арзирум варианты Озарбайжондан Туркияга ўтганлигини қайд қиладилар.

“Эмрах” достони турк версиясининг Ф.Хизрўғлу томонидан Али Ишк ва Аббос Диллирдан ёзиб олинган вариантнинг экспозицияси анъанавий ошиқ достонларига кўпроқ ўхшаб, хусусан, “Тоҳир ва Зухра” муқаддимасига мувофиқ келади. Шу жиҳатдан ушбу вариант юқорида мазмуни қайд қилинган ҳар иккала вариантдан ҳам фарқ қилади. Асарнинг финал қисмида ҳам ўзгача ҳолат кўзга ташланади. Анъанавий “Эрнинг хотини тўйи устига келиши” мотивига ўхшаш ҳолда Селвини Эмрахга, Парини Селвига уйланмоқчи бўлган ҳукмдорга никоҳлаб беришади. Шу билан бирга ота-бола Эмрах ва ошиқ Аҳмадларнинг биргаликдаги саргузашти, Эмрахнинг соз ва сўз соҳиби эканлиги, унинг асир тушиш воқеалари бошқа вариантлар билан ушбу вариантни ички сюжет чизиғида ўзаро боғлаб туради. Асарнинг Мараш варианты ҳам анча қизиқиш туғдиради. Унинг сюжет кўлами ниҳоятда кичик ва воқеалар сал бошқача фонда талқин этилади.

“Эмрах ва Селвихан” достонининг Мараш варианты олимлар фикрича, бахши – ошиқ бўлмаган кишидан ёзиб олинган. Шу сабабдан ҳам мазмунан бошқа вариантлардан жиддий фарқ қилади. Шеърини парчалар жуда оз.

